

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА РИСОЛАТ АЪЗАМОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ**  
**ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ҲАМДА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

УДК [811.111:811.512.133]`367.622.11/.12`255.2

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам  
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

**Ачилова Рисолат Аъзамовна**

Инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг лексик-семантик ҳамда  
лингвопоэтик тадқиқи .....5

**Ачилова Рисолат Аъзамовна**

Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование антономазии  
в английском и узбекском языках.....23

**Achilova Risolat Azamovna**

Lexico-semantic and linguo-poetic study of antonomasia in English and Uzbek  
languages.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works. ....47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА РИСОЛАТ АЪЗАМОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ**  
**ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ҲАМДА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Саидов Ёқуб Сиддиқович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпоментлар:** Киселёв Дмитрий Анатольевич  
филология фанлари доктори, доцент  
Юсунова Хилола Ўктамовна  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «07» сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (182 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «24» октябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «24» октябрь даги 22-19 - рақамли реестр баённомаси.)



**Д.С. Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил ҳодисалари дастлаб қиёсий-тарихий ва систем-структур парадигма бўйича ўрганилган бўлса, кейинги даврларда эса ижтимоий онг тараққиёти ҳамда инсониятнинг ҳаётий ва илмий эҳтиёжи боис уни антропоцентрик йўналишда тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиллараро алоқаларни фаннинг янги методологияси ва замонавий фан йўналишлари – социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология доирасида изланишлар олиб боришни тақозо этади. Зеро, илмий изланишларнинг натижаларидан турли тилларга доир лингвистик ҳодисаларни халқ тафаккури, дунёқараши, эътиқоди ва маданияти билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш, турли тизимли тилларидаги антономазияларнинг семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик механизмларини илмий-назарий аспектда қиёслаш лингвопрагматик мулоҳазаларга ечим топишда, халқаро алоқа ва ўзаро тушунишни оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида антономазияларни ўзида ижтимоий-тарихий, сиёсий, фалсафий, маърифий-маънавий, диний, адабий ахборотни сақловчи, семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик жиҳатларни ўзида тўлиқ намоён этувчи ментал тузилма ҳамда потенциал бирликлар сифатида қиёсий ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида ҳар бир тилга оид турли коммуникатив вазиятларда антономазиялар қўлланишининг прагматик шартланганлигини белгилаш, уларнинг инглиз ва ўзбек тиллари нутқий дискурсидаги лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш мазкур воситаларнинг лисоний-структур, лингвостилистик, когнитив-дискурсив, контекстуал-оқказионал кўрсаткичларини илмий асослаш имконини яратади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли миллий тилшунослигимизда бошқа тилларнинг грамматик, лексик-семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини диахрон ва синхрон аспектда қиёсий ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилди, “илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилди. Халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ўрнатаётган халқаро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий, маданий алоқалари икки ноқардош тилнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали чоғиштирма тилшунослик равнақига кенг йўл очишни таъминловчи тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шу маънода инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий адабиётнинг энг муҳим тасвирий воситаси сифатида воқеланадиган, халқ маданиятининг ажралмас таркибий қисмига айланган антономазияларнинг турли тиллар доирасида лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш, адабий асарларда

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ([prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)).

бадий санъатларни воқелантиришдаги ўрни, юзага келиш механизми ҳамда уларнинг лингвопоэтик жиҳатларини тадқиқ этиш, шаклланиш манбалари ва қонуниятлари ҳамда халқ маданияти билан бевосита боғлиқлиги масалаларини тадқиқотларда ёритиб бериш юзасидан илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига доир илмий-назарий фикрлар хорижий лингвистлар В.Гумбольдт, В.В.Воробьев, Э.Сепир, В.А.Маслова, В.В.Красных, С.В.Иванова, Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, Т.Ф.Волкова, Т.Б.Евсюкова, К.Р.Каграманов ва бошқаларнинг тадқиқотларида учрайди<sup>2</sup>. Улар ўз тадқиқотларида антономазия кўчимнинг алоҳида бир тури ва услубий восита эканлиги бўйича тегишли фикрлар билдирган. Уларнинг антономазия хусусидаги фикрлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Бироқ антономазия кўчимнинг қайси тури таркибига кириши масаласида уларнинг фикри бир хил эмас. Арутюнян Микаел Арутюновичнинг 2011 йилда ҳимоя этган

---

<sup>2</sup>Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. Пер. с нем./Сост. и общ. ред. А.В. Гулыш, Г.В. Рамишвили. – М.: Прогресс, 1985; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. -М.: 1997; Маслова В.А. Лингвокультурология. -М.: Академия, 2000; Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. -М.: 2002; Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ... д-ра филол. наук. –Уфа, 2003; Алефиренко, Н.Ф. Лингвокультурология: Ценностно-смысловое пространство языка. -М.: Наука, 2010. -288 с.; Арутюнова, Н.Д. Язык и мир человека. -М.: 1999. - 896 с.; Волкова, Т.Ф. Сравнения в речи диалектной языковой личности: Дис. канд. ... филол. наук. –Томск: 2004. -237 с.; Евсюкова, Т.Б. Лингвокультурологическая концепция словаря культуры: Автореф. ... докт. фил. наук. –Нальчик: 2002. -42 с.; Каграманов Карен Размикович. Антономасия как средство языковой номинации: семантика и прагматика (на материале англоязычной прессы): Автореферат кандидатской диссертации. –Москва: 2007. -25 с.; Колесов, В.В. Язык и ментальность. -Петербургское Востоковедение, 2004. - 240 с.; Колшанский, Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. -М.: Наука, 1990. -103 с.; Лебедева, Л.А. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии: Дис. ... док. филол. наук. -Краснодар, 1999. - 204 с.

“Структура, семантика и прагматика стилистического приема «антономазия» на материалах немецкого языка” мавзуидаги номзодлик диссертациясида антономазия масаласи немис тили материаллари мисолида батафсил ўрганилган ва тегишли хулосалар чиқарилган<sup>3</sup>.

К.Р.Каграманов “Антономазия как средство языковой номинации: семантика и прагматика (на материале англоязычной прессы)” (2007) номли диссертациясида инглиз тилидаги антономазияларнинг семантик ва прагматик хусусиятларини 1999-2006 йилларда чоп этиган The Times, The New York Times, The New York Times Book Review, The Guardian, Chicago Tribune, The Daily Mail, Newsweek, The Sunday Times, National Geographic, The USA Today, The International Herald Tribune каби даврий матбуот материаллари мисолида тадқиқ этишга ҳаракат қилган<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослигида троплар, лингвопоэтика ва лингвокультурология масалалари Р.Қўнғуров, М.Миртожиев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, А.Нурмонов, И.Мирзаев, Н.Маҳмудов, С.Каримов, М.Ёқуббекова, М.Йўлдошев ва бошқаларнинг тадқиқотларида турли аспектларда ўрганилган<sup>5</sup>. Д.Худойберганава “Матнинг антропоцентрик тадқиқи” номли монографиясида антропоцентрик парадигма, унинг асосий йўналишлари бўйича фикр билдириб, тил эгаларига маълум бўлган, уларнинг лисоний хотирасида мунтазам мавжуд бўлган, нутқий фаолиятида тез-тез ва қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилиши керак, деган фикрни айтиб ўтади<sup>6</sup>. Д.Анданиёзова “Бадий матнда ономастик

<sup>3</sup> Арутюнян М.А. Структура, семантика и прагматика стилистического приема «антономазия» на материалах немецкого языка: Дисс. ... кан. филолог. наук. –Москва, 2011. -24 с.

<sup>4</sup> Каграманов Карен Размирович. Антономасия как средство языковой номинации: семантика и прагматика (на материале англоязычной прессы): Автореферат кандидатской диссертации. –Москва: 2007. -25 с.

<sup>5</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т.: Фан, 1977; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili / Darslik. –Т.: Universitet, 2006; Бегматов Э. А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013; Мирзаев И.К.. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис. ... док. филол. наук. –Т.: 1992; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 5-16; Маҳмудов Н., Худойберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 3-10; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39; Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадийи услуби: Филол.фан.д-ри....дисс. – Тошкент, 1994. –Б.292; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан.д-ри. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. Б.27.; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадийи тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2000; Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т.: Маънавият, 2002; Йўлдошев М. Бадийи матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2006. -76 б.; Йўлдошев М. Бадийи матн лингвопоэтикаси. –Т.: Фан, 2008. -156 б.; Йўлдошев М. Бадийи матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.док... дисс.автореф. – Т.: ЎЗР ФА ТАИ, 2009; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2004. Б.25.; Шадиёва Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2007. -Б.26; Жамолитдинова Д. Бадийи нутқда парантез бирликларининг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2009.

<sup>6</sup> Худойберганава Д.С. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. — Т.: Фан, 2013. - 83 б.

бирликлар лингвопоэтикаси” номли диссертациясида антропонимларнинг кўчма маъноларини тадқиқ этишга ҳаракат қилган<sup>7</sup>.

Замонавий тадқиқотларда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари қиёсий аспектда монографик йўсинда нисбатан кам ўрганилганлиги кўзга ташланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг “Чет тили ўқитишнинг долзарб масалалари” йўналишидаги 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини қиёсий-чоғиштирма аспектда лингвистик таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

антономазияларнинг функционал ва семантик моҳиятини баҳолаш уларни юзага келтирувчи лингвистик ва нолингвистик омилларни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг шаклланиш манба ва механизмларини аниқлаш, тавсифлаш, унинг таркибидаги бирликларни семантик ва лингвомаданий жиҳатларига кўра таснифлаш;

антономазияларнинг троплар ва бадий санъатлар тизимидаги ўрнини белгилаш, бошқа кўчим турлари, хусусан, ўхшатиш, метафора ва метонимига муносабатини изоҳлаш; уларнинг бадий матндаги аҳамиятини кўрсатиш, уларда образлилик ҳамда таъсирчанликни воқелантирувчи асос эканини далиллаш;

инглиз ва ўзбек поэтик асарларидаги антономазияларни аниқлаш, уларнинг семантик ва функционал жиҳатларини ёритиш, шаклланиш манбаларига кўра таснифлаш;

Алишер Навоий ва Шекспир шеърий асарларидаги антономазияларни ўзбек ва инглиз халқи маданияти билан ўзаро алоқадорликда ўрганиб тавсифлаш, лингвопоэтик аспектда ўрганиш асосида мазкур шоирларнинг дунё халқларининг бадий-эстетик тафаккури ҳамда сўз санъати ривожигаги ўрнини белгилаш, уларнинг бу борадаги индивидуал бадий маҳоратини очиб бериш;

антономазиялар муайян жамият кишиларининг миллий-маданий ҳаёти билан бевосита боғлиқ эканлигини асослаш, инглиз ва ўзбек халқларининг энг қадимий ва муҳим лингвомаданий бирлиги эканини тегишли материаллар билан далиллаш.

---

<sup>7</sup> Анданиёзова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: филол. фан. б. фалс. док. дисс. автор. –Т.: 2017.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тилларида яратилган мумтоз ва замонавий поэтик асарлар танланган. Ўрни билан публицистик ва прозаик асарларга ҳам мурожаат этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** эса инглиз ва ўзбек поэтик асарларидаги антономазиялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда семантик-стилистик, киёсий-типологик, лингвопоэтик, лингвокультурологик, когнитив-дискурсив ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг тил ва нутқда юзага келиш сабабияти, лисоний манбалари, шаклланиш механизми, троплар тизими ва бадиий матндаги ўрни, вазифаси ҳамда аҳамияти, семантик мазмун-моҳияти лингвопоэтик, лингвокультурологик ва социолингвистик омиллар таъсирида воқеланиши исботланган;

киёсланаётган тилларда яратилган поэтик асарлардаги антономазиялар ғоявий, тавсифий, номинатив, эстетик, услубий, экспрессивлик, рамзий каби вазифаларни бажариши билан бирга, нутқда муайян кишининг аниқ тасавури, руҳий оламини, у хусусда аниқ ахборот ҳамда маълумот бериш функциясини ҳам бажариши, матн жараёнидагина реаллашиши, энг қулай тасвирий ифода сифатида намоён бўлиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида антономазиянинг шаклланиш жараёнининг коммуникатив ва дериватив характери лисоний бирликнинг матн ривожидоирасида воқеланиши, ҳар иккала тил халқларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, диний эътиқоди, тарихи, адабиёти ва миллат менталитетига хос бўлган мантикий, лисоний, маданий-ахлоқий тафаккурнинг вербаллашув ҳодисаси эканлиги асосланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги антономазиялар миллат маданиятини ўзида тўлиқ намоён этувчи энг муҳим лисоний ҳодиса эканлиги, филологик, ижтимоий-тарихий ва маданий фактлар ҳақидаги ахборот-маълумотларни ўзида тугал сақловчи лингвокультурологик бирлик сифатида парадигматик (поғонавий) ва синтагматик (қўшничилик) муносабат ҳосиласи эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда инглиз ва ўзбек поэтик асарлардаги антономазиялар лексик-семантик табиати ва лингвистик-бадиий моҳияти, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларига кўра илмий-назарий жиҳатдан тавсифланиб, турли семантик гуруҳлар бўйича таснифланган;

инглиз ва ўзбек тилидаги антономазиялар шу халқларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, диний эътиқоди, тарихи, менталитети билан бевосита боғлиқлиги, уларнинг дастлабки шаклланиш манбалари халқ оғзаки ижоди, мифологик ва диний тушунчалар, тарихий воқеа ҳамда шахслар, санъат, хусусан, мумтозлик даражасига эга бадиий асарлардаги машҳур образлар эканлиги асосланган;

тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилидаги антономазияларнинг қиёсий-чоғиштирма аспекти бўйича ишлаб чиқилган назарда тутилган бирликни таржима қилиш тамойиллари бадиий таржима сифатини янада яхшилаш учун муҳим манбалардан бири бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммо тадқиқига мустақиллик мафкураси ва ғоялари талаблари асосида илмий жиҳатдан холислик мезони билан ёндашилганлиги, муаммо аниқ белгиланганлиги, талаб даражасида илмий асосланганлиги, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий, бадиий манбалардан олинганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, улар мазмун-моҳиятида кейинги давр тилшунослигида воқеланаётган замонавий илмий тафаккурга асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари инглиз ва ўзбек тилларининг лексик-семантик, лингвопоэтик, лексикографик ва лингвокультурологик хусусиятларини, бадиий матнда антономазияларнинг ўрни, таркибий тузилиши, луғавий-бадиий ва лингвомаданий хусусиятлари ҳамда бадиий-эстетик вазифаларига дахлдор масалаларни тадқиқ этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг илмий-фактик материалларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида инглиз ва ўзбек тилшунослиқларининг услубшунослик, тилшунослик назарияси, нутқ маданияти ва бадиий матннинг лингвистик, луғавий-бадиий, лингвокультурологик таҳлилини амалга ошириш, тилларнинг чоғиштирма грамматикасига доир фанларни ўқитиш, антономазиялар бўйича икки тилли изоҳли луғатлар яратиш, илмий ва бадиий таржима билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, амалий машғулотлар учун ўқув қўлланмалар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, танланма курслар ҳамда семинарлар ташкил қилиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида Алишер Навоий ва Шекспирнинг бадиий маҳоратини тарғиб этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг семантик, лингвопоэтик ҳамда лингвокультурологик таҳлили тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилидаги антономазияларнинг тил ва нутқда юзага келиш сабабияти, лисоний манбалари, шаклланиш механизми, троплар тизими ва бадиий матндаги ўрни, функцияси ҳамда аҳамияти аниқланиб, семантик моҳият-мазмуни лингвомаданият билан бевосита боғлиқлигига оид назарий хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005-рақамли

«Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 15 февралдаги №123-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари икки тил доирасидаги антропонимлар таҳлилига асосланган соҳа луғатлари яратиш учун янги илмий-назарий манба ва маълумотлар билан бойиган;

инглиз тилидаги антономазияларнинг лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш, адабий асарларда уларнинг бадиий санъатларни воқелантиришдаги ўрни, юзага келиш механизми ҳамда уларнинг лингвопоэтик жиҳатларини тадқиқ этиш ва инглиз тилида антономазияларнинг шаклланиш манбалари ва қонуниятлари ҳамда халқ маданияти билан бевосита боғлиқлиги масалаларини аниқлашга оид хулосалардан Бухоро давлат университетининг SUZ800-20-IN0098 рақамли «Access-STEM» хорижий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 20 октябрдаги №05-01-1437-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилидаги антономазияларнинг таҳлилига асосланган ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратилган ҳамда ўқув жараёнига жорий қилинган;

инглиз ва ўзбек тилларида антономазиянинг табиати ўхшаш, шаклланиш ва воқеланиш механизми деярли бир хил эканлиги, мақсад ҳамда вазифаси ҳам бир-бирига мувофиқ келиши, иккала тилда ҳам антономазияларнинг шаклланиш манбалари шу халқларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, диний эътиқоди, тарихи ва адабиёти билан бевосита боғлиқлигига оид илмий-назарий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларининг 2021 йил май сонидagi сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 майдаги №1/149-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдаги маълумотлар миллий-маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар сценарийсини бойитишга хизмат қилган;

назарда тутилган тилларда яратилган поэтик асарлардаги антономазиялар ғоявий, тавсифий, номинатив, эстетик, услубий, экспрессивлик, рамзий вазифаларни бажариши билан бирга, нутқда муайян шахснинг аниқ тасавури, руҳий оламини, у хусусда аниқ ахборот ҳамда маълумот бериш функциясини ҳам бажариши, матн жараёнидагина реаллашиши, энг қулай тасвирий усуллардан бири эканлиги ҳақидаги хулоса ва умумлашмалардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган «O`zbek adabiy tili tarixi» (Гриф рақами: 356/7-085; -Вухоро: Durдона, 2021. -376 б. ISBN 978-9943-7702-3-2) номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 9 февралдаги №105–сон маълумотномаси). Натижада дарсликнинг мундарижаси кенгайиб, мазмуни мукаммаллашган, шунингдек, талабаларнинг антономазиялар бўйича назарий билимларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антономазияларнинг семантик хусусияти**» деб номланган биринчи бобида кўчимлар тизимида антономазияларнинг ўрни, лисоний ва мазмуний хусусиятлари, бадий санъатлар тараққиётидаги мавқеи, шаклланиш механизмлари ва манбалари, ёндош кўчим турлари – метафора, метонимия ва ўхшатишларга муносабатини аниқлаштириш каби масалалар ўрганилган.

Антономазия кўчимлар таркибида энг муҳим тил ҳодисаларидан бири бўлиб, сўзлашув, публицистик, расмий, айниқса, китобий услуб, бадий адабиёт намуналарида фаол қўлланилади. У юнунча сўз бўлиб, *бошқача номлаш* ёки *ўрнига* деган маъноларни англатади. У номнинг кўчишига асосланган, яъни объектнинг маълум бир хусусият-ҳаракати бошқа объектда намоён бўлишининг алоҳида ҳодисасидир. Тилшунослик тараққиётининг дастлабки босқичларида антономазия нутқнинг стилистик ҳодисаси ҳамда воситаси деб белгиланган бўлса, кейинги даврларда эса унинг моҳият-мазмуни тўғрисида қарама-қарши фикрлар ифодаланди. Унинг метафора ва метонимияга ўзаро муносабати, шаклланиш манбалари ва вазифалари хусусида турли илмий фикрлар билдирилди. Алоҳида қайд этиш керакки, турли ёндашувлар антономазияни нотўғри тушунишни англатмайди, балки унинг баъзи жиҳатларини янада кенгроқ ёритишни, стилистик воқеликдан янада ҳам кенгроқ ҳодиса эканлигини билдиради. Антономазия лингвистик номинация воситасидир, унинг натижасида мутлақо янги маъно

гурухларининг таркибий, семантик ва прагматик хусусиятлари намоён бўлади<sup>8</sup>.

Автономазия воситасида таърифланаётган ва тавсифланаётган инсон ёки образ хусусиятлари аниқ ҳамда таъсирли ифодаланади. У нафақат эмоционалликни юзага келтиради, балки шу билан бирга автономазиялашган инсон ёки образга тўғри ва аниқ баҳони ҳам беради. Автономазияларни матний ва лексик маъноларига кўра, ҳар хил турларга ажратиш мумкин. Чунки аташ маъноси атоқли от маъноси учун хосдир, денотатив маъно эса турдош от маъносига оиддир. Шуларга кўра автономазияни иккита асосий турга бўлиш мумкин. Биринчи турдаги автономазияларда аташ ном маъноси асосий ҳисобланади, денотатив маъноси эса матндан келиб чиқади, яъни бунда атоқли от маъноси қисман турдош ном маъносига айланади. Иккинчи турдаги автономазиялар эса кўчма маънодаги турдош номлар маъносидир. Унда асосий маъно денотатив маънодир, аташ ном эса матндан келиб чиқади. Турдош от эса қисман атоқли отга айланади<sup>9</sup>.

Автономазияларда кишиларнинг табиати, хусусияти ва фазилатлари – инсонийлиги, мардлиги, жасурлиги, ақллилиги, сахийлиги, кўрқоқлиги, зулмкорлиги, рашкчилиги, хасислиги кабилар эътиборга олиниб, барчага ёки кўпчиликка маълум бўлган ном билан аталади. Эътиборли томони шундаки, кейинги давр адабиёти ва публицистикасида машҳурларни ўз номи билан эмас, кўпроқ эпитетли номлар, тавсифий иборалар билан аташ оммалашиб бормокда.

Бир тарихий босқичда фаол бўлган автономазия кейинги ижтимоий даврда фаол бўлмаслиги мумкин. Автономазиялар тизими вақт ўтиши билан ўзгариб боради ва шунингдек, янги яратилган автономазиялар билан бойиб боради. Масалан, ўтмишда *донишманд*, *файласуф* кишига нисбатан Аристотель, *истеъдодли шоир*га нисбатан Уилям Шекспир номи қўлланилган бўлса, кейинги даврларда *халқнинг маънавий отасига* нисбатан Маҳатма Ганди, *бутун халқни ягона зоя атрофида бирлаштирувчи давлат арбоби*га нисбатан Уинстон Черчилл номлари автономазия сифатида қўлланила бошланди.

Автономазиялар муайян кишининг аниқ тасаввурини беришдан ташқари, у хусусда ахборот, маълумот бериш функциясини ҳам бажаради. Улар матн ёки нутқ жараёнида реаллашади. Инглиз тилида *Соломон* ақлли инсон, *Спидерман* жасур, халоскор, *Тарзан* ёввойи, *Иуда* хиёнаткор кўчма маъноларда қўлланиши кўп кузатилади. Автономазияда инсон ёки жой номи асосида умумий от ёки сифат ҳосил этилади. Автономазияларнинг юзага келиш механизми уч омил билан белгиланади: автономазия учун танланган сўз, мўлжалланган маъно, ном билан автономазиянинг семантик боғлиқликдаги маъноси. Уларни юзага келганлиги даврига кўра эса икки

<sup>8</sup>Арутюнян М.А. Структура, семантика и прагматика стилистического приема «автономазия» на материалах немецкого языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –М.: 2010. –С. 7.

<sup>9</sup>Каграманов К.Р. Автономазия как средство языковой номинации: семантика и прагматика: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Москва –2007. –С. 9.

гурухга ажратиш мумкин: қадимий антономазиялар ва замонавий антономазиялар. Қадимий даврларда юзага келган антономазияларга *Венера, Аполлон, Юсуф, Мажнун* кабиларни, замонавий антономазияларга *Маргарет Тетчер, Майкл Жексон, Онна Мадонна, Кумуш* кабиларни мисол тарзида айтиш мумкин.

Антономазияларни қўллашда инглиз ва ўзбек тиллари тизимида ҳам ўхшашлик, ҳам фарқли жиҳатлар мавжуд. Ўхшашликлари шундан иборатки, инглиз ва ўзбек тиллари тизимида мазкур ҳодиса бир хил табиатга эга, яъни муайян кишини тўлиқ тавсифлашда, характер-табиатини аниқ очиб беришда эпитет сифатида фойдаланилади. Иккала тилда ҳам антономазия манбалари халқ оғзаки ижоди, мифологик ва диний тушунчалар, тарихий воқеа ва шахслар, санъат, хусусан, бадий асарларга доир образлар ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги антономазияларнинг лингвопоэтик хусусиятлар**» номли иккинчи бобда «ономапоэтика», «поэтик ономастика», «лингвистик поэтика», «лингвопоэтика» каби термин ва тушунчалар изоҳланган, ўхшатиш асосидаги талмиҳ бадий санъатининг моҳият-мазмуни тавсифланган, назарда тутилган тилларнинг бирида ижод этган шоирлар, хусусан, Алишер Навоий ва Шекспирларнинг антономазиялардан фойдалананишдаги бадий маҳорати баҳоланган.

Лингвистикада бадий асарлардаги ном билдирувчи бирликларнинг луғавий-бадий ва экспрессив хусусиятлари дастлаб «ономапоэтика», кейинчалик эса «поэтик ономастика» термини остида ўрганилди. Антономазиялар Шарқ адабиётшунослигида *талмиҳ* бадий санъати номи билан юритилади. Ушбу бадий санъатига асос бўлувчи бирликлар лингвопоэтика ва лингвокультурологияда *ономастик бирлик, ономастик метафора, прецедент ном, аллюзив ном* ва «сўзловчи» номлар каби терминлар билан аталади<sup>10</sup>. Тилшунослиқда ономастик бирликлар бадииятини тадқиқ этувчи соҳа номлари бўйича ҳозирга қадар аниқ тўхтамли фикр мавжуд эмас. У турли терминлар остида ўрганилмоқда. Масалан, *адабий ономастика, поэтик ономастика, стилистик ономастика, адабий-бадий ономастика, бадий ономастика, оним поэтикаси, поэтонимология* ва ҳоказо. Айрим олимлар поэтик юкли шахс номларига нисбатан *антропоним* эмас, балки *антропоэтоним* атамасини қўллашни тавсия этади<sup>11</sup>.

Инглиз ва ўзбек адабиётида антономазиялар муҳим аҳамият касб этади, улар мазкур адабиётларнинг барча тараққиёт босқичларида у ёки бу даражада истеъмолда бўлган. Инглиз адабиётида бу бадий санъатни энг юқори поғоналарга олиб чиққанлардан бири Шекспир бўлса, ўзбек адабиётида эса Алишер Навоий бу санъатни мислсиз даражада ривожлантириб, ўзбек

<sup>10</sup>Анданиёзова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. б. фалс. док. дисс. автор. –Т.: 2017. –Б. 11.

<sup>11</sup> Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д–ра филол. наук. – Киев, 2000. –С. 14.

адабиётида антономазияларни алоҳида тизим сифатида шакллантирди. Шоирнинг адабий-бадий асарларида қўлланган антономазиялар ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва адабиётини тўлиқ ўзида акс эттиради, десак асло муболаға этмаган бўламиз.

У қўллаган антропонимларни ҳозирги давр нуқтаи назардан икки гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) шоир яшаган даврда мажозий маъноси кўпчиликка маълум бўлган ва ҳозирги даврга келиб кўчма маъноси оммага у даражада маълум бўлмаган антономазиялар. Бунга *Сухайб* исми мисол бўла олади; 2) шоир яшаган даврда ҳам, ҳозирги даврда ҳам кўчма маъноси кўпчиликка маълум бўлган антономазиялар. Бунга *Лайли*, *Мажнун*, *Фарҳод*, *Ширин* кабиларни мисол тарзида айтиш мумкин.

Алишер Навоий бадий асарларидаги антономазиялар, асосан, от сўз туркумидаги сўзлар асосида шакллантирилган. Эътиборли томони шундаки, уларнинг аксарияти араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган антропонимлардир. Миқдор жиҳатдан тўқима образлар, диний-афсонавий (мифологик) қаҳрамонлар номлари ҳукмдорлар номларига нисбатан кўп учрайди. Адиб асарларида қўлланган жуда кўплаб антономазиялар ҳозирги ўзбек бадий адабиётида анъанавий тарзда ҳозир ҳам фаол қўлланишда давом этмоқда. Улар ўзбек халқининг турмуш тарзи, маданияти ва адабиётига чуқур сингиб, унинг ижтимоий тафаккури, эстетик диди ва ахлоқий қарашлари тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир<sup>12</sup>.

Шекспир Уильям ўз асарларида афсоналардаги худоларнинг исмларидан кенг фойдаланган. Бу эса унинг ижодини китобхонларга тез ва таъсирчан етказишга катта ёрдам берган. Шоир ўз шеърий асарларида антономазилардан маҳорат билан фойдаланганлардан биридир. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни ҳавола этамиз:

See what a grace was seated on this brow,  
*Hyperion's* curls, the front of Jove himself,  
 An eye like *Mars'* to threaten and command,  
 A station like the herald *Mercury*,  
 New-lighted on a heaven.

Таржимаси:

Буни қаранг: қанчалик жозиба кўркам,  
 Зебо пешона, сочлари *Аполлон* ваи,  
 Қарашлари *Марс*ники сингари мағрур,  
 Осмоннинг элчиси *Меркурий* каби,  
 Улуғворлик ва савлат бу кишига жам.

Англашиладики, шоир мазкур шеърий парчада *Аполлон*, *Марс*, *Меркурий* каби антономазияларни қўллаган. Асарда тасвирланишича, Гамлет ўз отасининг чиройи ва жасур хусусиятларини афсонавий худолар – *Аполлон*,

<sup>12</sup> Saidov Y. Alisher Navoiy ijodida antonomaziyalarning o'rimi // Alisher Navoiy va XXI asr: Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. –Toshkent: Mashhur press, 2020. –B. 327–331.

*Марс, Меркурий*га ўхшатади. Маълумки, Аполлон юнон мифологияси ва динида олимп худоси бўлиб, Зевс ва Летонинг ўғли, шифобахш этувчи, соҳибкаромат ва санъат ҳомийсидир. Аполлонга сифиниш Кичик Осиёда бошланиб, милoddан аввалги 2-минг йилликда Юнонистонга, у ердан Римга тарқалган. Дастлаб чўпонлар ҳомийси, олмazorлар худоси деб танилган. Уни шеърият ва мусиқа ҳомийси сифатида ҳам эъзозлашган. Қадимги юнон санъатида Аполлон кўлида ўқ-ёй ёки мусиқа асбоби ушлаган ёш йигит қиёфасида тасвирланган. Шекспирнинг мазкур шеърий парчасида Гамлет отасини Аполлонга ўхшатиб, уни соҳибкаромат, санъат ва шеърият ҳомийси сифатида талқин этишга ҳаракат қилган. Шоирнинг юқорида келтирилган шеърий парчасида *Меркурий* сўзи ҳам антономазия сифатида кўлланган. *Меркурий* қадимги Рим афсоналарида келтирилишича, Юпитернинг ўғли, тижорат, санъат, касб-ҳунарлар худоси, сайёҳлар ҳомийси ҳисобланади. Одатда юнонлардаги Гермес билан киёсланади. Меркурий тасвири бошида сафар қалпоғи, оёғида патли шиппак, кўлида таёқ билан берилади. Айтилганидек, шоир уни шеърида тижорат, санъат, касб-ҳунарлар худоси, сайёҳлар ҳомийси мажозий маъносида истифода этган.

**«Инглиз ва ўзбек тили антономазияларининг лингвокультурологик хусусиятлари»** номли учинчи боб *«Тарихий шахслар номи асосида шаклланган антономазиялар»*, *«Асар қаҳрамонлари асосида вужудга келган антономазиялар»* ҳамда *«Мифологик, диний-афсонавий қаҳрамонлар номи асосида шаклланган антономазиялар»* деб номланган уч фаслдан иборат. Антономазиялар адабий матнларда жуда муҳим лингвомаданий аҳамиятга эга бўлиб, улар, бир томондан, инсон онгидаги мавжуд билимларни фаоллаштиришга катта хизмат қилади қилса, иккинчи томондан, муайян халқ ёки миллатга тегишли маданиятни ўзида яққол ифодалайди, миллий менталитетни акс эттиради, учинчи томондан, асарнинг бадиий-эстетик қийматини оширишга асос бўлади, бадиий асар матнини тушунишни осонлаштиради.

Инглиз тили антономазияларининг шаклланиши ва манбалари бўйича шундай фикр билдириш мумкинки, биринчидан, уларнинг шаклланиши бевосита мазкур халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, адабий ҳаётидаги тараққиёт билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, христиан динининг кенг тарқалиши омиллари билан бевосита алоқадордир. Шунингдек, мазкур тизим ривожда кўшни мамлакат халқлари билан муносабатлар ҳамда скандинавлар ва нормандлар истилоси ҳам муҳим омиллардан бири бўлган.

Жаҳон халқларининг глобаллашуви жараёнлари чуқурлашаётган кейинги даврларда эса умумий хусусиятли антономазиялар ҳам оммалашмоқда. Ўзбек лингвомаданияти оламига *Колумб, Наполеон, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо, Жеки Чан* каби номлар кириб келди. Уларнинг мажозий маъноларини ўзбек халқининг аксарияти қийинчиликсиз яхши англайди. Кейинги даврларда ўзбек халқининг ўз маънавий кадриятларини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида

ўзбек тилида *Тўмарис*, *Широқ*, *Муқанна*, *Амир Темура*, *Жалолиддин (Жалолиддин Мангуберди)*, *Бойчибор*, *Ҳумо*, *Чўлпон*, *Усмон (Усмон Носир)* каби номларнинг қўлланиш даражаси ортди.

Ҳозирги давр ўзбек адабиётининг хусусиятларидан бири шундаки, уларда тарихий шахслар, бадиий асар қаҳрамонларининг номларидан прецедент ном сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда. Ўзбек адабиётидан фарқли ўлароқ инглиз адабиётида эса дунёдаги таниқли шахслар, сиёсатчилар, ҳарбий саркардалар, кино ва мультфильм қаҳрамонлари номлари прецедент ном сифатида кўп келтирилади. Бунга кўпроқ улар фаолиятининг ҳар бир жиҳати тўғрисида газета ва журналларда мунтазам таҳлилий мақолаларнинг бериб борилиши сабаб бўлса керак. Антономазияларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: а) тарихий шахслар номи: *Тўмарис*, *Широқ*, *Александр Македонский*, *Чингизхон*, *Муқанна*, *Напалеон*, *Гитлер* ва ҳ.к.; б) адабий асар персонажлари номи: *Фарҳод*, *Ширин*, *Лайли*, *Мажнун (Қайс)*, *Отелло*, *Яго* ва бошқ.; в) шоирлар номлари ва таҳаллуслари: *Фирдавсий*, *Ҳофиз (Ҳофиз Шерозий)*, *Навоий*, *Машираб*, *Бедил*, *Байрон*, *Гёте*, *Пушкин*, *Лермонтов*, *Чўлпон* ва ҳ.к.

Инглиз тилида тарихий шахслар билан боғлиқ антономазияларга *Lucullas* исмини қайд этиш мумкин. Маълумки, *Lucullas* қадимги Рим Республикаси сиёсатчиларидан бири бўлиб, у милoddан аввалги 118-56 йилларда яшаб ўтган. Тарихда *Lucullas*, асосан, уюштирган дабдабали, шоҳона зиёфатлари билан ном қолдирган. Инглиз тилидаги *A banquet of Lucullas* (ўта ҳашаматли шоҳона зиёфат) ибораси бевосита унинг исми билан боғлиқ. Инглиз тилидаги антономазияларнинг аксарият қисми келиб чиқишига кўра муқаддас Библияга бориб тақалади. Буни Христиан динининг инглиз халқи учун асосий эътиқод манбаи эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Муайян инсонга тегишли исм антономазияда умумий от сифатида қўлланилади. Бу ҳодиса ҳозирги давр оммавий-публицистик услубида кўп учрайди. Ирқчи кишиларни *Гитлер*, таниқли нотикларни *Цицерон*, мутлақ ҳокимиятга эга сиёсий раҳбарни *Диктатор*, илмий соҳа даҳосини *Эйнштейн* деб ифодалаш оммалашган. Антономазияларнинг икки муҳим хусусияти мавжуд: биринчиси, машҳурлик, тил эгалари лисоний хотирасидан мустаҳкам ўрин олиш хусусияти; иккинчиси эса рамзийлик, унда муайян сифатлар жам бўлиш хусусияти.

Шекспир бадиий асарлари таъсирида жаҳон, айниқса, инглиз адабиётида кўплаб антономазиялар вужудга келди. Бунга *Falstaff (Sir John Falstaff)*, *Momus*, *Helen* каби исмларни мисол тарзида айтиб ўтиш мумкин. Маълумки, *Falstaff* образи Шекспирнинг «Генри IV» ва «Виндсорнинг қувноқ хотинлари» («The Merry Wives of Windsor») асарларида тасвирланган бўлиб, у икки пьесада ҳам семиз, мақтанчоқ, юзсиз ва сурбет қаҳрамон сифатида келтирилган. Бу исм кейинги давр инглиз адабиётида мазкур хусусиятлар билан антономазиялаштирилган.

